



# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2017-yil 12-iyul, chorshanba

\* № 28 (1039) \*

1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan

\* Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz \*

www.hurriyat.uz

## ЧОРШАНБАДАН ОРШАНБАГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 июль куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

6 июль куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 7-8 июль кунлари Наманган вилоятида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 июль куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Синдзо Абэга Фукуока ва Оита префектураларида рўй берган табиий офат оқибатида кўплаб инсонлар ҳалок бўлгани мунсабаби билан ҳамдардлик билдирди.



“HURRIYAT” газетаси “Ўзбекистон ҳам йўллари” миллий азиятқўччиликка қаршиликларда ҳам йўлдошларини доимий ҳамроҳи.



## Фидойилик юксалтирар юртимизни

Яқинда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Қарорда кўрсатилганидек, “Буюк ва бебаҳо неъмат – мустақилликнинг миллий тараққиётимиз, бугунги ва келгуси авлодлар тақдири, келажак учун бекиёс аҳамияти йиллар ўтиши билан тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги халқимизнинг миллий манфаатларини, тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг мустақам пойдевори бўлиб келмоқда”.

Буни аниқса, “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида янги сифат ўзгаришлари билан амалга оширилаётган Давлат дастури доирасида, кенг қўламдаги бунёдкорлик ишлари, янгиланишлар, одамларнинг яшаш тарзи ўзгариб, уларда юртимиз равангага

дахлдорлик ҳисси ошаётганида кўрмоқдамиз. Зотан, Президентимиз юртимизнинг қайси гўшасида бўлмасин, одамлар дарди билан яшаш, уларни рози қилиш, муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш аҳоли турмуш фаровонлигининг ортишида асосий омил эканлигини қайта-қайта уқтириб келмоқда. Мен ушбу мақолада Қорақалпоғистоннинг Мустақиллик йилларидаги муваффақиятларидан бири – Орол бўйи ҳуду-

дини обод қилиш, Мўйноқ тумани ижобий томонга ўзгариши, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ўсиш суръатларини тезлаштириш, ҳудудни тоза ичимлик суви, газ, электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини талаб даражасига етказиш сингари масалаларга тўхталиб ўтишни лозим топдим.

2016 йил декабрда Президентимизнинг Қорақалпоғистонда бўлиб, халқимиз билан сайлов олди учрашувида: “Қорақалпоғистон Республикаси мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида қандай катта ўрин тутишини барчамиз яхши биламиз ва буни юқори баҳолаймиз”, – деган эди.

Бу ҳақда сўз юритганда, муҳим бир воқеа эсимга тушди. 2010 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг собиқ Бош котиби жаноб Пан Ги Мун Ўзбекистонга ташриф буюрганда, мен Биринчи Президентимизнинг тошхонага биноян юксак мартабали меҳмоннинг Қорақалпоғистонга сафари давомида унга ҳамроҳлик қилдим. Биз вертолётда парвоз қилиб, бутун Қорақалпоғистон ҳудудини, қуриб бораётган Орол денгизини кузатдик.

Ушанда меҳмонга Орол денгизи билан боғлиқ экологик офат ҳақида, жумладан, денгиз тубидан ҳар йили 700-800 миллион тонна туз бўронлари ҳавога кўтарилиши ҳақида гапириб берган эдим. Бундай аянчли манзарани ўз кўзи билан кўриб, ишонинглар, жаноб Бош котибнинг кўзидан ёш чиқиб кетди. “Мен дунёдаги ҳалокат содир бўлган жуда кўп жойларни кўрганман, – деди у ушанда. – Лекин бундай оғир экологик ҳолатни умримда биринчи марта кўриб турибман. Шундай кескин вазиятга қарамасдан, шу ерда яшаб меҳнат қилаётган одамларга, уларнинг сабр-бардошига қўйил қолдим”, деб айтганини эшитганман. Бу гапларни жаноб Пан Ги Мун кейинроқ телевидение орқали ҳам айтганидан хабардорсиз.

5

Айтишларича, Жалолиддин Румийнинг ҳаётига устоз Табризий кириб келгунига қадар мударрислик қилган экан. Румийдаги истеъдод, иқтидор булоғи устози Табризий сабаб “очиқиб”, дунёга бетакрор ижодкор танилган дейишади. Чиндан ҳам, баъзан инсоннинг ўзи нималарга қодирлигини, қалб булоғида кўмилиб ётган пўртанани бир умр англамаслиги мумкин. Ана шундай палларда бундай истеъдод чашмасини кимлардир топиб, элнинг чанқоғини қондиради. Қайсидир булоқлар эса чангу тўзонлар, ҳаётнинг талотўплари дастидан ёпилиб, йўқолиб кетаверади. Лекин одамзод ҳар доим чанқок, унга мудом мусаффо, ширинсувли булоқлар, керак...



## Зомин тоғларидан руҳ, шаршараларидан қувват олиб



## Хуррамли муштарийлар.

2017 йил учун “HURRIYAT” газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳада этинг. Бундан ташқари, “Hurriyat” да чоп этилган материаллар билан www.hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.



“HURRIYAT” ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

## 2017 ЙИЛ – ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

## МУЛОҚОТ МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ЙЎЛ ОЧМОҚДА



Элимиз яхшилиқнинг, яхши гапнинг шайдоси. Турмуш ташвишларидан ҳориб, турли ўй-хаёллар гирдобидида хасталаниб қолган одам ҳам гоҳида биргина ширин сўз, кўнгилни кўтарувчи латиф калом билан дардларини унутади, ҳаётга муҳаббати ортади. Бугун дунё чайқалиб турган, қурраи заманимизнинг турли манзилларида инсон ҳаётига ҳар хил

тахдидлар чанг солаётган, фитналар, бузғунчиликлар тўхтамаётган бир паллада одамларнинг бир-бирига меҳру оқибати ниҳоятда зарур эканлиги янада аққолроқ намоён бўлмоқда.

Бу йил Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб белгиланишида ҳам шу юрт фуқароларининг бири бири билан ҳамфикр, ҳамжиҳат бўлиб, йиғилиб қолган муаммоларга биргаликда ечим топиб, Ватан ободлигини биргаликда таъминлаш мақсади мужассамдир. Энг муҳими, халқни рози қилиш, инсон манфаатларини амалда таъминлаш энг устувор вазифа этиб белгилангани эртамиз бугундан да яхшироқ бўлишига ишончимизни оширади.

6





Зомин тоғларидан руҳ, шаршараларидан қувват олиб

«Бошланиши 1-бегла»

Айни шу маънода юртимизда истеъдодларни излаб топиш, иқтидорларини юзга чиқариш борасида тинимсиз ҳаракат ва изланишлар олиб борилаётган...



Таъбир жоиз бўлса, ижодкор сифатида ўзинг билан ўзининг илк танишувинг! Мушоира, самимият, қизиқишлар...

Автобус юқорилагани сари Зоминнинг турвикор тоғлари, гўзал манзараси, жилдирабги...

Шеърнинг сеҳри биз неча ёшга кирмайлик, қай соҳала, қай ерда ишлаб, яшамайлик, ўзини намона этакеради...

Мирзаёр, Сувоң Мели каби устозлар билан уч кунилик қизгин ва қизиқ суҳбатлар, ёш ижодкорларнинг «беллашувлари»...



Ҳайрат, ҳаяжон ва биз ҳали номини билмайдиган, сўзларга сиймайдиған, фақат эшитганда, фақат ҳи қилганда туюлади...

ана шундай даражага етишишимиз керак. Семинар машгулотларида билим, тажриба, қўллаб маслаҳат ва тавсиялар олдиқ...

— Ҳаяжоним семинарга қатнашишимни айтишган чордаёқ бошланди. Севинчдан «Укамнинг коптоғидай сакрайвердим тинмайин»...

Зулмура (Орифжонова)нинг кўнглига бўйлаб илғаним, кўзларидан пайқатганим бу сўзларнинг бари чин...

Хоналарга жойлашув, бироз ҳордиқ, кечки тановул ва ниҳоят, мушоира. Азалдан қонимизга қўшилиб оқди қоним...



Қайтарқандим, ногоҳ сеvimли шоир Аққад Мухторнинг Жиззах қўлларида йўқолган юдузи ҳақидаги шеъри ёдима келди. Аммо йўлга чиққанамиздан буён тўхтамаётган, гуё бутун дунёни шеърга дундорликдек берилиб шеър айтмаётган, тинглаётган янги қадрдонларимга қарар эканман, Аққад Мухторнинг Жиззах қўлларида йўқолган битта юдузи Зомин бағрида қўнайиб, унаб юдузларга эришиб қайтаётгандек туюлди менга...

Феруза ХАЙРУЛЛАЕВА, Ёш ижодкорларнинг аънавий Зомин семинари иштирокчиси

«СОҲА СИНОАТЛАРИ

Бугунги кунда нафақат дунё ОАВда, балки ўзбек журналистикасида ҳам онлайн журналистика шиддат билан ривожланаётган бир пайтда аудиторияга ахборотни янгирақ усулларда, яъни замонавий мультимедиа технологияларидан фойдаланган ҳолда узатиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

ЛОНГРИД — ахборот тақдим этишнинг янги усули

Катта матиларни ўқиш учун бугун газетхоннинг ҳам, интернет фойдаланувчиларнинг ҳам у қадар вақти ва хоҳиши йўқ. «Саккиз сония» қондиғаси биноан онлайн журналистикада аудиторияни ушлаб қолиш осон кечмайди...

Лонгрид — маълумотлар журналистиканинг ажралмас қисми сифатида жаҳон журналистикасида тан олинган йўналишлардан бири. Мазкур ахборот узатиш технологияси долларб мавзуларни ёритишнинг энг қулай ва таъсирчан шаклларидан биридир...

Лонгридда мантқиқий боғлиқлик, қисмларнинг (видео, аудио, инфографика ва ҳоказо) уйғунлиги — иллюстратив қатор, шрифти, рангларнинг ҳажми ва сонининг бир хиллиги муҳим. Лонгрид бир бутун ҳикоя сифатида қабул қилиниши лозим. Яъни сизнинг материалингизни очган фойдаланувчи ёритилаётган мавзунинг ичига кириши лозим...

Бундан бир неча йил илгари «The New York Times» газетасида «SnowFall» номли катта ҳажмли мақола чоп этилди. Унда АҚШдаги Каскад тоғидаги қўчи оқибатида бир неча чанғичилар қор остида қолиб ҳалок бўлгани хусусида сўз боради...

Уттан фурсат мубоайида бир неча чет эл ОАВда машҳур лонгридлар кузатила бошланди. Улардан бири «Коммерсант» газетасидаги Иккинчи жаҳон уруши бошланган кунга бағишлаб тайёрланган «День, когда началась война» («Уруш бошланган кун») лойиҳасидир...

CNN телеканалнинг «50 states, 50 spots: natural wonders» («50 штат, 50 доғ. табиий муъжизалар») номли махсус лойиҳаси ҳам томошабиларни беъэйтироқ қолдирмади...

Бугунги кунда лонгридларнинг бир неча турлари ҳам шаклланиб улгурган: Репортаж лонгрид. Репортаж ўзининг белгилари билан ахборот жаирларнинг барчасига (ахборот бериш, ҳикоя қилиш, тўғри нуқт, бўёқли чекинниш, персонажларни таснифлаш, тарихий чекинниш ва бошқалар) мос келади...

Репортаж лонгрид (people stories). Мазкур турга интервюлар, очерклар, биографик лавҳалар кирди. Мазкур турдаги лонгриднинг асосий вазифаси воқеа сабаб жабрланган қаҳрамонни кўрсатиш ёки бирор-бир муаммо оқибатларига мослашаётган шахснинг ҳаётий тамойиллари, масалга қарашларини таҳлил этиб беришдан иборат...

Лонгрид матни мураккаб бўлиб, оддий журналистик матилардан фарқ қилади. Сабabi матнинг бошида мақола сингари лид бўлса, давомидан бевосита аудио ёки видеолавҳалар, интервюлар берилиши мумкин. Кейинги қисмида видеолавҳадан сўнг яна матн давом этиши, факт ва далиллар таҳлили, қатор статистик маълумотлар келтирилиши мумкин...

Лонгрид тайёрлашга киришган журналист аввало, мавзу билан яхшилаб танишиб олиши, танланган қаҳрамонларнинг мавзу юзасидан фикрларини ўрганиши, турли ахборот манбаларидан фойдаланиши керак. Имон қадар қарама-қарши фикрларни йиғиши ва шу орқали аудитория эътиборини жалб этиши мумкин. Материал тўғрисида сўнг унинг кўриниши юзасидан режа тузиб олиш, яъни унинг умумий кўриниши қандай бўлади, материалга инфографика, иқтибос, видео керакми? Режани тузиб олғач, материалнинг тарқибий қисмларини тайёрлашга киришиш лозим...

Гўзал МАЛИКОВА, «Hurriyat» муҳбири

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд-ҳуқуқ ислохотларининг, шунингдек, судлар фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини янада такомиллаштириш мақсадида эълон қилган «Адолат — қонун устуворлигида» деб номланган танлов давом этмоқда.



«АДОЛАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА»

Танловга республика микёсидаги газета, журналларда чоп этилган, телевидение ва радиода берилган судлар тизимидаги ислохотларни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилишга, аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган мақолалар, кўрсатувлар, эшиттиришлар қабул қилинади...

Танлов ғолиблари:

- 1-ўрин учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг I даражали дипломи ва энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдоридан пул мукофоти; 2 та 2-ўрин учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг II даражали дипломи ва ғолибларнинг ҳар бири энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдоридан пул мукофоти; 3 та 3-ўрин учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг III даражали дипломи ва ғолибларнинг ҳар бири энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланади...

Reklama









# ЁШЛАР КЕЛАЖАГИГА БЕФАРҚ ЭМАСМИЗ

## ► МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Мамлакатимиздаги нуфузли молия муассасаларидан бўлган «Туронбанк» АТБ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид дастурларни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда миқозларга замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган янги хизмат турларини таклиф этиш масалаларига катта эътибор қаратмоқда.



нардда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик ва янгидан тугатилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Кенгашининг Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Бобур Мирзаев сўзга чиқди.

— Ёшлар ўртасида туланиб қолган барча муаммолар сабабини Юртбошимиз қурултойида қилган чиқишларида таҳлил қилиб бердилар. — дейди Бобур Мирзаев. — Президентимиз ташаббуси билан ташкил

этилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқига айна пайтда катта ҳуқуқ ва имкониятлар берилмоқда. Уйлайманки, аввал йўл қўйилган камчиликлар тақрирланмайди. Тадбирдорлик ва вазъонликлардан қочиб амалий ишларни бажариш вақти келди. Бу борада банкда бўладими ёки бошқа ташкилотда — барчамиз бир мушт бўлиб, мавжуд муаммоларни бартараф этишга бел боғласак, ҳаётимиз бундан-да яхшиланади.

— «Туронбанк» акциядорлик-тижорат банки тизимида фаолият олиб бораётганларнинг катта қисмини 30 ёшга бўлганлар ташкил қилади, — дейди Банк ходимлари билан ишлаш департаменти директори Баҳром Алижонов. — Ёш мутахассисларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида соҳада қатор имкониятлар мавжуд. Бинобарин, молия ва банк соҳасида устоз-шоғирд мактабини ташкил этиш фойдадан холи бўлмас эди. Бунда молия-банк тизимида катта тажрибага эга мутахассисларнинг тажрибаларини ёшларга ўргатиш мақсадга мувофиқ. Семинар-тренингларни қуйи тизимларимизда ҳам давом эттирамиз. Токи ёшларимиз Президентимиз маърузада кўрсатган вазифаларни тушуниб етишсин.

Анжуманинг кейинги қисмида «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкида «Ички аудит ва ташқи аудит текширувлари бўйича муаммолар» мавзусида «Делойт энд Туш» аудиторлик компанияси Бош директори ўринбосари Турғун Тоҳиров тижорат банкларининг молиявий йил якуналари бўйича фаолиятини халқаро стандартлар асосида аудит қилишдан қўзланган мақсад ҳамда аудитни ўтказиш жара-

ёнлари тўғрисида гапириб ўтди. Шунингдек, мазкур мавзуда Ўзбекистон Аудиторлар палатаси ижрочи директори Равшан Ҳайдаров ички аудитга нисбатан қўйилган ички ва халқаро талаблар, банк тизимида ички аудит хизматининг асосий мақсади ва вазифалари тўғрисидаги илмий-амалий маълумотлар билан қатнашчиларни таништирди. Ички аудит хизмати банкда амалга оширилган операциялар, ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва очиқлиги ҳамда операциялар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари асосида бажарилгани ҳақида молия муассасаси Кенгашига маълумотлар берувчи мустақил таркибий тузилма эканини алоҳида таъкидлади. Маърузачилар ички аудит ўтказиш ва унинг меъёрлари ва бошқа қатор саволларга жавоб қайтаришди.

«Тижорат банкларидан ички назоратни миллий қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солиш» мавзусида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Жинорий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Азиз Абасов маърузаси тингланди. Жинорий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш-

га ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида мамлакатимизда Қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги «Жинорий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ақлия вазирлигининг тегишли низомлари ноқонуний ҳаракатларнинг айлинишини чеклашда муҳим аҳамият касб этади. Албатта, бундай амалий семинарлар иштирокчиларнинг жинорий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги билимларини мустаҳкамлаб, ички назоратни самарали ташкил этишда фойдали бўлди.

Тадбир якунида банкнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш ҳамда халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, ёшлар билан ишлашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Жобир РАЗЗОҚОВ

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, уларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш мақсадида молия муассасаси томонидан турли мавзуларда давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ўтказилиб келинапти.

Ана шундай навбатдаги давра суҳбати мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати ҳамда «Ички аудит хизмати, уларга қўйилган талаблар» ва «Тижорат банкларидан ички назоратни миллий

Xizmatlar litsenziyalangan

**Yangi**

**SAFIR**

Olma-Shaftoli

Milliy shodiyona lazzati

Facebook: www.facebook.com/dolcefreshuz  
Instagram: www.instagram.com/dolcefreshuz

Маълумот сертификатланган

МЧЖ «MASTER GLOBAL PLYUS»  
Телефон: +99871 245-76-01  
Сайт: www.mgp.uz

**ASAKA BANK**

**ЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!  
«Асака» банк**

2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

**«МАНФААТЛИ-2017»**

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 13 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз :

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

(+99871) 120-39-81 | 120-39-60 | 120-39-63

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

**«Асака» банк сармомиянгни сақланиши ва қўпайишини кафолатлайди!**